


Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 8-DEKABR, JUMA № 49 (1464)

t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

# Ўзбекистон халқига байрам табриги

**Қадрли ватандошлар!**

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни **8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.

Албатта, бу йилги байрам ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимиз ривожида алоҳида маъно-мазмунга эга. Бу, аввало, шу йил **30 апрелда** миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилингани билан боғлиқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган **Асосий қонунимиз** Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли **ислоҳотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати** бўлиб хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етишда Асосий қонунимизда муҳрланган барча қоида ва тамойилларни амалга оширмоқдамиз. Жамиятимизда Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, **давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитга мос ҳолда йўлга қўйиш**нинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу борада тизимли ишларни бошладик. Хусусан, Асосий қонунимиздан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизни янги конституциявий нормалар билан уйғунлаштириш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қисқа муддатда **30 дан зиёд** қонун ва қонуности ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Конституция ва қонун устунлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони. Сўнгги йилларда барча ислоҳотларимизни айни шу тамойил асосида амалга оширдик.

Юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми охирги 6 йилда **1,5 мартадан ортиқ,** тадбиркорлар сони **2 баробар** ва саноатдаги ўсиш **40 фоиздан зиёд** ошгани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, жорий йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар **134 триллион сўм**ни ташкил этиб, **2016 йилга нисбатан 5,6 баробар кўпайди.**

Кенг кўламли ва тизимли ислоҳотларимиз натижалари халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон **Коррупцияга муросасиз муносабат бўйича** халқаро индексда **32 поғонага, Матбуот эркинлиги** индексида **28 поғонага, Ҳуқуқ устуворлиги** индексида **13 поғонага** кўтарилди.

**Азиз дўстлар!**

Биз инсон қадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойиллар**ни тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва **ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозим.

Шу муносабат билан олдимизда турган энг муҳим устувор вазифаларни қайд этмоқчиман.

***Биринчидан,*** Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, дейилган. Ана шу қоидадан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотларимиз изчил давом эттирилади.

***Иккинчидан,*** Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиз зарур. Шундагина халқимиз Асосий қонунимизнинг ҳаётбахш кучи ва таъсирини теран ҳис этади.

Бу борада барча давлат идоралари, жумладан, судлар фаолиятида конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллашни жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

***Учинчидан,*** суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

***Тўртинчидан,*** ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносибликни таъминлаш бўйича конституциявий принципни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларидаги **150 дан ортиқ** ана шундай чоралар тўлиқ қайта кўриб чиқилади. Жумладан, айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва жазо турларини ўзгартириш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш борасида ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилади.

***Бешинчидан,*** Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, **Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудсмани** ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади.

***Олтинчидан,*** барча ислоҳотларимизда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлиши лозим. Сўнгги йилларда шу мақсадда **300 га яқин** давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига **50 миллиондан ортиқ** хизматлар кўрсатилди.

Шу боис, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

**Еттинчидан,** биз **"Янги Ўзбекистон – маърифий жамият"** концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Парламент томонидан **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият дастури** қабул қилинди. Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун **давлат хизматига ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизими**ни амалда татбиқ этишимиз зарур.

***Саккизинчидан,*** Конституция ва қонун устунлигини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берамиз. Хусусан, сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони қарийб **40 фоизга ошди** ва уларни қўллаб-қувватлашга **700 миллиард сўмдан ортиқ** маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий чораларни кўришда давом этамиз.

**Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Дунёнинг турли минтақаларида **зиддият ва қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар** тобора авж олиб бормоқда. Олдимизда янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали вазиятда барчамиз янада бирлашишимиз керак. Танлаган йўлимиздан қатъий олға боришимиз зарурлигини асрлар давомида кўплаб оғир синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва донишманд халқимиз албатта яхши тушунади.

Аминманки, **Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси биз учун бу йўлда улкан ишонч, куч-ғайрат ва илҳом манбаи** бўлиб хизмат қилади.

Биз Асосий қонунимизга таянган ҳолда, мана шундай ноёб **Конституциямизнинг асосий ижодкори бўлган кўпмиллатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз** билан бирга улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

**Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!**

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




# ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги арафасида Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган "Конституция билимдони" кўрик-танловининг республика босқичи жорий йил 30 апрелда бўлиб ўтган Умумхалқ референдумида халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Бош қомусимиз тарғиботига бағишланганлиги билан янада аҳамиятлидир.

... Танловнинг якуний натижаларига кўра,

**Фарғона вилоятидан Сабринабону Неъматова** 1-ўринга, **Андижон вилоятидан Мадинабону Жўрабоева** 2-ўринга, **Сирдарё вилоятидан Суннатулло Маъмуржонов** ҳамда **Хоразм вилоятидан Дилрабо Эгамова** фахрли 3-ўринга сазовор бўлишди.

3




# БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

## Донорлик акцияси юқори савияда ўтказилди

"Адолат" СДП томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган **"Бор меҳримиз сенга, болажон!"** донорлик акциясининг навбатдаги хайрия тадбири минглаб ўксик кўнгилларга қувонч, хаста инсонларга умид бахш этди. Саховатли ишда фаоллик кўрсатган партиядошларимиз, давлат ташкилотлари ҳамда барча маданият ходимлари, журналист ва блогерларга ўз миннатдорлигимизни билдирган ҳолда юртдошларимизни мазкур хайрли ишни янада кенг оммалаштириш, болаларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш йўлида жипслашишга чақириб қоламиз.

БУ ЙИЛ ЎТКАЗИЛГАН АКЦИЯ ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ 2 235 НАФАР ДОНОР КЎНГИЛЛИ РАВИШДА ТОПШИРГАН ҚОН 1 006 ЛИТРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ ЭСА РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ 4 000 НАФАРДАН ОРТИҚ ХАСТА БОЛАЖОНЛАРНИНГ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ.

6

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади.**

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 334 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 34 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 249 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 45 нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 18 нафарини чет эл фуқаролари, 23 нафарини аёл, 15 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда 88 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

"ADOLAT" газетасига 2024 йилга обуна давом этмоқда

Обуна индекси — 100



*Маълумки, дунё иқтисодиётида ноаниқликлар, бозор учун кураш тобора авж олаётган, иқтисодий занжирлар заифлашиб бораётган айни дамда иқтисодиётимизнинг ҳуқуқий асосларини жаҳон стандартларига мослаштириш, шахс эркинлиги, мулк дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳит ва инвестициявий жозибадорликни намоён қилишда Бош қомусимизда белгиланган нормаларнинг ўрни, аҳамияти беқиёс.*




**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

# Ислоҳотларни амалга оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

Шунга мос конституциявий-ҳуқуқий макон яратиш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислоҳотларни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор заруратидан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси халқ томонидан қабул қилингани эътиборга молик.

Президентимиз Конституциявий комиссия йиғилишида Конституциямизда фуқароларимизнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлаш, халқимиз орасида “снос” деган ном билан машҳур бўлган муаммога бутунлай барҳам бериш, иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шартлиги бўйича конституциявий кафолатни белгилаб қўйиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Шу боис мамлакатимиз келажагини, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан қурилишининг асосий томонларини тартибга солиш бўйича тамоман янгича ёндашувни белгилаб берган янги таҳрирдаги Конституциямизда мужассам бўлган принциплар, қоидалар, аввало, инсон қадри, шаънини ҳимоя қилишга, хусусий мулк ҳуқуқларини, дахлсизлигини таъминлашга, жамиятни бошқаришда фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ўрни, хусусан, Давлат бюджети маблағларини йиғиш ва тасарруф этиш жараёнида уларнинг иштироки, фикри асосида шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, Конституциямизнинг 47-моддасига мутлақо янги норма киритилиб, унга кўра, ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши кафолатланмоқда.

Шунингдек, 68-моддада *“Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин”*лиги конституциявий норма қилиб белгиланиши мамлакатда инвестициявий жозибадорликни оширишга, тадбиркорлар хусусий бўлган ер мулкидан зарур ҳолларда гаров сифатида ва бошқа мақсадларда ўз фаолиятида эркин фойдаланишларига кенг имконият яратиши билан аҳамиятлидир.

Умуман олганда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни мулксиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларсиз ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари ўз мазмунига эга эмас. Ушбу муносабатларда давлат шахс ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини ва инвестициявий муҳитни таъминлаган ҳолда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Конституциямизда мустаҳкамланган бош мақсад, принцип ва қоидалар мамлакат молия ва кредит соҳаси қоидаларини ҳам халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришга қаратилган. Мамлакат пул-кредит тизими такомиллаштирилиши, аввало, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш орқали мамлакатни янада тараққий топтиришга хизмат қилиши лозим.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 148-моддасида мамлакат бюджети сиёсатига оид муҳим янги нормалар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиб-таомиллари очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилиши, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишлари, фуқароларнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг бюджет жараёнида иштирок этиш тартиби ва шакллари қонун билан белгиланиши ҳақиқий фуқаролик жамияти сари яна бир муҳим салмоқли қадам, десак тўғри бўлади.

Конституциямизда яратилган мустаҳкам замин негизида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлари ва нормаларига тўла мос бўлган давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизим ташкил топмоқда, иқтисодиёт ривожланишининг самарали механизми яратилмоқда.

Бош қомусимиз ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишида, кўзланган эзгу мақсадга эришишда мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида мужассамлантириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий мақсадимиз — ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодий тизимнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз янада самарали бўлишига ишончимиз комил.

# Мулк дахлсизлиги кафолатланган

***Жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг ҳуқуқий кафолати сифатида юксак инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосий ўрин тутади. Айни пайтда, Конституция мулк ва унинг ҳуқуқий асослари, жамият ва фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимиз тараққиёти ва иқтисодий ҳаётида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишдек улуғ мақсадга хизмат қилади.***

**Рустам РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори**

Шубҳа йўқки, фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган иқтисодиётнинг самарали ривожи мулк шакллари тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинганлигига бевосита боғлиқ. Бежиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида *“Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади”* деб белгилаб қўйилмаган.

Мазкур модда мамлакатимизда мулк шаклларининг турли хил бўлиши мумкинлигини ўзида ифодалаш билан бирга қонунда белгиланган асослар ва тартибга мувофиқ вужудга келган мол-мулкнинг миқдорини чегараламайди.

Ўзбекистон Республикасида мулкнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжудлиги, ўз навбатида, хусусий мулк якка шахслар ҳамда нодавлат юридик шахслар мулкига бўлиниши, оммавий мулк эса Ўзбекистон Республикаси мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига туркумланишида мулк субъектининг мақоми ва мол-мулк режимининг узвий бирлиги асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай шароитда ҳам давлат мулкнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш учун уларнинг конституциявий тенглигини эътироф этади ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди, шунингдек, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти улар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса ва бошқа айрим мол-мулклар ҳам оммавий мулк таркибига киради.

Республика ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки – республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек, қонунларда назарда тутилган асосларга кўра бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилиб, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб ҳам берилиши мумкин. Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат Конституцияда мулк шаклларининг эркин шароитини ва мулкдорлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Бу жиҳатлар, биринчидан, *иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги,* иккинчидан, *истеъмолчилар ҳуқуқлари устуворлиги,* учинчидан, *ҳалол рақобат муҳити яратилганлиги,* тўртинчидан, *барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, бешинчидан, мулк шаклларининг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилганлигида ўз ифодасини топади.*

Айни вақтда, давлат Конституция нормалари асосида қабул қилинган ва амал қилувчи тегишли қонунлар ва уларнинг ижросини таъминловчи механизмлар ёрдамида хилма-хил шаклдаги мулк эгалари ва тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини амалга оширишларида, авваламбор, истеъмолчилар ҳуқуқлари устунлиги, уларнинг талаб ва таклифлари иқтисодий фаолиятни ҳаракатга келтирувчи, тартибга солиб турувчи жараён эканлигини ҳисобга олиб шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида *“Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда мулкидан маҳрум этилиши мумкин”* деб белгилаб қўйилган. Эндиликда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда содир бўлган янгиланишлар акс-садоси талқинида хусусий мулк нафақат фуқароларнинг бойлиги ва моддий мустақиллиги, балки шу билан бирга маънавий эркинлигининг манбаи сифатида ҳам баҳоланди.

Хусусий мулкка нисбатан “дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлишлик” хусусий мулк ҳуқуқи белгиланган. Биринчи навбатда, “дахлсизлик” деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган хатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилади. Иккинчидан, “дахлсизлик” – ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда хўжалик ҳукмронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлишини қонун билан таъминланганлигини англатади. Конституциянинг 65-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам, мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг ҳар қандай бузилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга ҳар қандай путур етказилишининг тақиқланишини ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги қоидаси ҳам хусусий мулк дахлсизлигининг мазмунини ифодалайди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат томонидан хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимоясининг, биринчидан, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлари уйғунлиги, иккинчидан, иқтисодий ресурсларнинг адолатли тақсимоти, учинчидан, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, тўртинчидан, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши, бешинчидан, тадбиркорлик фаолияти йўналишини эркин, ҳалол рақобат ва монопол фаолиятга йўл қўйилмаслиги кафолатланганлиги кесимида мустаҳкам ва ишончли ҳуқуқий тизим яратилди.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини тийишлари ва сақлашларидан иборат бўлиб, мулк давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўзининг мулк ҳуқуқи ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилишини бартараф этишни, шунингдек, бузилган ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мулк дахлсизлигига оид конституциявий нормалар жорий қонунчилигимизда, жумладан, фуқаровий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган бўлиб, ушбу тамойилнинг ижросида амалий аҳамиятга эга.

Мулкдор мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина, яъни мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, унинг мол-мулки тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори ёки давлат ҳокимияти органи қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан (масалан, мусодара, реквизиция), шунингдек, мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан (масалан, национализация) маҳрум этилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонунлар Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг иқтисодий негизларини белгилаб беради, давлат иқтисодиётнинг асосини ташкил қилувчи хилма-хил мулк шакллари, жумладан, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлайди.

# Тинчликпарвар ташқи сиёсат тамойиллари

***Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиги ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлган, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган стратегик ҳужжат ҳисобланади. Бошқача айтганда, Конституция ҳар бир давлат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг ўзига хос кўзгусидир. Унда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, жамият ва давлат тузумининг энг асосий таркибий қисмлари ифода этилади.***



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари**

Конституция қанчалик мукаммал ҳужжат бўлмасин, у жамиятдан айри ҳолда мавжуд бўла олмайди. У қотиб қолган, ўзгармас ҳужжат эмас. Жамият Конституциянинг ҳаётбахш, прогрессив нормалари асосида ривожланади. Ўз навбатида, жамият ривожланиб борган сайин ҳаёт ўзгаришларини Конституцияда акс эттириши лозим. Шу маънода Конституция замон билан ҳамнафас, шиддат билан кечаётган ҳаёт ўзгаришларига мос бўлсагина жамият ривожи учун сиёсий ва ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади, тинч ва осуда ҳаётни кафолатлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йилда қабул қилинган бўлса-да, 2023 йилда унга Умумхалқ референдуми орқали, яъни халқ танлови асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди ва у янги таҳрирда қабул қилинди.

Бўлиб ўтган референдумда 90 фоиздан кўп фуқароларимиз янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилишни ёқлаб овоз берганлиги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини, бинобарин, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини яққол кўрсатиб берди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз қарийб 65 фоизга янгиланди. Конституция моддалари 128 тадан 155 тага, унинг нормалари эса 275 тадан 434 тага кўпайди. Амалдаги 128 та моддадан 91 тасига концептуал ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституция мамлакатимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсати билан боғлиқ янги норма ва қоидалар қатор моддаларда, хусусан, 17-ва 18-моддаларда ўз аксини топди. Ушбу норма ва қоидалар мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ташқи сиёсати конституциявий асосларини янада мустаҳкамлади.

Чунончи, Бош қомусимизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани, унинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига асосланиши қайд этилган ва улар бирма-бир санаб ўтилган.

Жумладан, ташқи сиёсатимиз давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Ушбу модда Ўзбекистон барча давлатлар билан дўстона ва тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориши билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳурмат қилиши ва унга оғишмай амал қилишини билдиради.

Тан олиш керак, ушбу ҳаётбахш нормалар асосида ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз ташқи сиёсати изчил ривожланди. Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Ўзбекистон ўзининг прогрессив ва тинчликпарвар ташқи сиёсати билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари Ўзбекистон қўшилган қатор халқаро шартномалар мажбуриятларидан келиб чиқади. Улар халқаро ва давлатлараро ташкилотлар таъсис ҳужжатларида, низомларида ва бошқа халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Халқаро ҳамжамият томонидан шу пайтга қадар ўндан ортиқ норма ва принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосий манбалари сифатида БМТ низоми (1945), Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси (1948), Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация (1970), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг якунловчи акти (1975) каби ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин.

2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Умумхалқ референдумида Конституциямиз 17-моддасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари яна бир муҳим қоида билан тўлдирилдики, бу давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципидир. У ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлайди. Мазкур принцип халқаро ҳуқуқий амалиётда БМТ низомининг қабул қилиниши билан вужудга келди ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топди.

Конституциямизнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати билан боғлиқ яна бир моддаси бу – 18-модда бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкинлиги ҳам ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу модда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджи, ўрни ва обрўсини янада мустаҳкамлаш, барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан стратегик ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларининг барқарор тизимини барпо этиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли муносабатларни ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни муттасил ва изчил ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу модда ташқи сиёсатимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. У, бир тарафдан, мамлакатимиз томонидан юритилаётган ҳозирги вазмин, изчил, прогрессив, конструктив ва тинчликсевар ташқи сиёсатга тўлиқ мос келади. Иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг дунёга очиқлигини, олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган давлат эканини ва узоқ-яқиндаги давлатлар билан ҳамкорлик учун ҳамиша тайёрлигини ўзида яққол мужассам этади.

Ушбу норма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у хорижий шерикларимиз билан муносабатларда сўнгги йилларда эришган ютуқларни сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Биргина мисол, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси томонидан олиб борилаётган изчил ва прагматик минтақавий ташқи сиёсат туфайли Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстлик ва яқин ҳамкорлик руҳидаги янги муҳит пайдо бўлди. Яхши қўшничилик ва стратегик шериклик, ҳатто иттифоқчилик даражасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Кўпгина мутахассислар минтақада рўй бераётган ижобий ўзгаришларни ҳақли равишда “Марказий Осиё руҳи” деб номламоқдалар.

Умуман, Конституциямизда Ўзбекистон ташқи сиёсатига оид юқоридаги нормалар халқаро муносабатларда янгича ёндашув ва самарали ташқи сиёсий фаолиятни амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади ва шак-шубҳасиз, мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамда яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш имконини беради.




# ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

***Баркамол авлод юрт таянчи. Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал даражада вояга етказиш, маънавий-маърифий жиҳатдан камол топтириш, касбу ҳунарда юксалтириш, сиёсий саводхонлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Мана шундай эзгу мақсад йўлида бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг, истиқболли режа, лойиҳа ва ташаббуслар талайгина.***








"Адолат" СДП томонидан "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Конституция билимдони" кўрик-танловини ҳам ёш авлодни мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, эл-юрт хизматига камарбаста инсонлар этиб камол топтиришни мақсад қилган истиқболли лойиҳалардан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Ўтган давр мобайнида орттирилган бой тажриба ва бугунги куннинг самарали сарҳисобига таянган ҳолда "Конституция билимдони" кўрик-танлови мамлакатимиз ёшларининг катта қизиқиши ва эътиборига сазовор бўлаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида партиянинг жамиятда танилувчанлигини ошириш билан бир қаторда ёшларимиз орасида сиёсий-ҳуқуқий саводхонликка бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ҳуқуқий савияни ўстиришдаги энг асосий қўлланма эса бу, албатта, Бош қомусимиз, давлатимиз Конституциясидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллиги арафасида Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган "Конституция билимдони" кўрик-танловининг республика босқичи жорий йил 30 апрелда бўлиб ўтган Умумхалқ референдумида халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Бош қомусимиз тарғиботига бағишланганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва барча қонунларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимлари, онги ва маданиятини янада юксалтиришни мақсад қилган мазкур тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти ва аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳамкор ташкилотлар, "Ёш адолатчилар" қаноти ҳамда "Ёшлар парламенти" вакиллари, фаоллар, ОАВ ходимлари ҳамда кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида бошланган тадбирда сўз олганлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 майдаги *"Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"*ги фармонига алоҳида тўхталиниб, Конституция, ундаги нормаларнинг мазмун-моҳияти, қолаверса, Асосий қонунимиздаги ёшларга оид масалалар ҳамда келгусида ушбу муҳим ҳужжатнинг ижроси натижасида эришиладиган ютуқлар, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан маълумотлар берилди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари ўртасида қизғин баҳслар бошланди. Ушбу жараён кўрик-танловнинг республика босқичига ҳудудлардан мамлакатимизнинг энг иқтидорли, ҳуқуқий-сиёсий билими ва тафаккури кенг, илғор ёшлари етиб келганлигини яққол намоён этди.

*– Танловнинг якуний республика босқичига етиб келгунча бўлган вақт давомида иштирок этган минглаб ўқувчи ёшлар ўзларининг янги таҳрирдаги Конституциямиз борасидаги билимларини бойитиб, эгаллаган кўникмалари асосида бош қомусимиз борасида янада кенгроқ тушунчаларга эга бўлишди. Бу лойиҳа ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бир қаторда, жамиятимизда янги таҳрирдаги Конституция тарғибот ва ташвиқот ишларига қаратилган жуда катта самарали амалиётлардан бири бўлди деб айта оламиз,* **– дейди "Адолат" СДП Марказий аппарати аёллар ва ёшлар бўлими бошқарма бошлиғи Гулнисо Саидова.**

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда партия аъзоларининг умумий сони ярим миллион нафардан ортиқни ташкил этиб, шундан аксар қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган "Ёшлар парламенти" аъзоларининг 24 нафари партиямиздан сайланган ёшлардан иборат.

Албатта, бу каби ижобий кўрсаткичларни партия томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда тизимли амалга оширилаётгани билан боғлаш мумкин.

Қолаверса, "Адолат" СДП ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини, фаоллигини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, тиббий, экологик маданиятини юксалтириш, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўнга яқин лойиҳаларни доимий тарзда амалга ошириб келмоқда. Шу боисдан бугун партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган кўрик-танловлар, турли хил тадбир ва мусобақалар эртамиз эгаларининг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

*– Танловнинг республика босқичига етиб келгунимга қадар туман ва вилоят босқичларидаги иштироким давомида ҳуқуқий саводхонлигимни ошириш билан бир қаторда, нутқ маданиятини шакллантириш, қолаверса, катта аудитория қаршисида дадил тура олиш кўникмаларига ҳам эга бўлдим. Бу эса келгусидаги мақсадларим йўлида менга қимматли тажриба мактаби вазифасини ўташига ишонаман,* **– дейди Бухоро вилояти иштирокчиси Севинч Каримова.**

Танловнинг якуний босқичида мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ва ҳудудий босқичларида иштирок этган 2005 нафарга яқин ёшлар орасидан адолатлилик, очиқлик, ошкоралик, рақобат мезонлари асосида саралаб олинган энг кучли иштирокчилар республика босқичига етиб келдилар.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг масъулларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг белгиланган шартлар бўйича чиқишларини талабчанлик билан, одил ва холис баҳолаб бордилар.

Иштирокчилар танлов низомига кўра таништирув, савол-жавоб ва эркин мавзу деб номланган учта шарт бўйича ўз чиқишларида давлатчилигимиз ва қонунчилигимизнинг асоси бўлган Конституциямизни қанчалик билиши ва қонунларимиздан хабардорлиги, қолаверса, саҳна ва нотиқлик маданияти борасидаги маҳоратини намоён этишга астойдил ҳаракат қилдилар.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, **Фарғона вилоятидан Сабринабону Неъматова 1-ўринга, Андижон вилоятидан Мадинабону Жўрабоева 2-ўринга, Сирдарё вилоятидан Суннатулло Маъмуржонов ҳамда Хоразм вилоятидан Дилрабо Эгамова фахрли 3-ўринга сазовор бўлишди.**

*– Танлов давомида ҳар бир иштирокчининг чуқур билимга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Бир сўз билан айтганда, бугунги танлов чин маънода кучлилар баҳси бўлди. Кучлилар ўртасидаги муросасиз кечган беллашув давомида ўз кучимга бўлган ишончимни ошириш билан бир қаторда рақибларим имкониятларига тўғри баҳо бериш, камчиликларидан тўғри хулоса чиқариш кўникмаларига эга бўлдим. Бу каби танловларнинг янада кўпроқ ўтказилиши ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан бир қаторда, жамиятда ёшлар орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилишига ишонаман,* **– дейди кўрик-танловнинг 1-ўрин соҳибаси Сабринабону Неъматова.**

Танлов сўнггида ғолибларга партия Сиёсий Кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, кўрик-танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам партиянинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухтасар айтганда, "Конституция билимдони" кўрик-танловининг бу йилги Республика босқичи ҳам юқори савияда, ўзгача руҳда ўтди ҳамда ушбу жараёнда мамлакатимизнинг энг иқтидорли, ҳуқуқий-сиёсий билим ва тафаккури кенг, илғор ёшлари аниқланди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчилари келгусида Олий таълим муассасаларининг энг намунали талабалари сафидан ўрин олиб, ўз билим ва салоҳиятини ривожлантириш орқали Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшувчи комил инсонлар бўлиб етишишларига ишонамиз ва ушбу шарафли вазифада уларга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**"Адолат" СДП Матбуот хизмати**

---

## 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни

# Жамият кушандаси

***Юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли равишда ишлар олиб борилиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чоралари кўрилмоқда. Ҳар бир фуқарони огоҳликка чорлаш, бу борадаги тушунчаларини янада ошириш мақсадида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.***

Хусусан, Жиззах вилояти Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши томонидан 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан "Коррупция – жамият кушандаси" мавзусида кўрик-танлов ташкил этилди.

Мазкур танловни ўтказиш бўйича Низом ишлаб чиқилиб, ушбу Низом асосида 30 ноябрга қадар иштирокчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинди.

Танловда ҳар бир иштирокчи ўз салоҳиятини намоён этган ҳолда иштирок этди. Иштирокчилардан бири партиямиз фаоли, Жиззах политехника институти 3-босқич талабаси Хонзода Узақовадир. Ёшлигидан ҳар соҳада фаолликни қўлдан бермай келаётган Хонзода орзуларини амалга ошириш мақсадида ўқиб ўрганмоқда, йиллар давомида ўз устида тинимсиз ишлаб келмоқда.

Ўқиш давомида ўзининг илмга чанқоқлиги, изланувчанлиги, инновацион ғоялари билан қатор кўрик-танловларда ташаббус кўрсатди ва фахрли ўринларни эгаллади.

Хонзода ушбу танловнинг "Энг яхши баннер ёки тасвирий санъат асари" йўналишида иштирок этди ҳамда унга халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши котибияти мудири, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши котиби Нодира Каримова томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**– Иллатнинг катта-кичиги бўлмайди. Вақтида барҳам берилмаса, илдиз отиши, жамият тараққиёти учун катта хавфга айланиши мумкин,** – дейди партиямиз фаоли Хонзода Узақова. **– Ушбу танловда мен ва бошқа иштирокчилар ўз тушунчамизни ифода этиш орқали коррупция ва унинг салбий оқибатларини ифодалашга ҳаракат қилдик ҳамда ўз муносабатимизни акс эттирдик.**

**Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати**



"ADOLAT" шарҳи

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида чинакам улкан тарихий воқеа бўлди. Юртимизда янги конституциявий-ҳуқуқий давр бошланди. Тарихий обидаларни қайта тиклаш ёки таъмирлаш ишлари дастлаб уларнинг пойдеворидан бошлангани каби, Янги Ўзбекистоннинг конституциявий пойдевори ривожланишимиз шиддатлари ва кўламига мос равишда янгиланди.*



# Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан устунми?

**Йўлдош ЖЎРАЕВ,**
**юридик фанлар доктори**

Конституция асосида "янгиланган пойдевор"ни ифодалайдиган шундай қоидалар борки, уларни теранлик билан англаш ва ҳаётга изчил тадбиқ этиш кўзланган мақсадга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Айниқса, ташқи дунё босими ва хавфларига қарши янгиланган конституциявий тўсиқ ва ҳимоянинг мазмун-моҳиятини очиб бериш бугун жуда долзарб. Демак, гап ташқи дунёга хос халқаро ҳуқуқ, аниқроғи, унинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг миллий ҳуқуққа нисбати тўғрисида...

Эътиборимизни тортган нарса Конституция янги таҳрирда қабул қилиниши билан халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг бир-бирига нисбатида юз берган тарихий янгиликдир. Тарихийлик шундан иборатки, бу янгилик мустақиллигимиз асосларига, миллий ҳуқуқий тизимнинг тўлақонли ривожланишига, шунингдек, халқаро тажрибага зид равишда узоқ вақт ҳукм сурган халқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқдан устувор, деган қарашларни эндиликда бутунлай ўзгартирди.

Бинобарин, миллий ҳуқуққа нисбатан халқаро ҳуқуқ устувор деган фикрларни кўплаб илмий манбалар, шунингдек, вақтли матбуотда учратиш мумкин. Бундай фикрларга илгариги Конституция Муқаддимасида акс эттирилган *"халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда"* сўзлари асос бўлган.

Шунга кўра, айрим тадқиқотчи ва мутахассислар халқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқдан устувор, деб тушунган бўлса, баъзилари устуворлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ҳам тегишли, деб ҳисоблашган. Конституция янги таҳрирда қабул қилиниши билан халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ нисбатида туб бурилиш содир бўлди. Халқаро ҳуқуқ ёки унинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари миллий ҳуқуқдан устувор, деган фикрлар энди конституциявий ҳақиқатга зиддир. Қуйида юқоридаги фикрларимизни асослаб беришга ҳаракат қиламиз.

**Биринчидан**, янги таҳрирдаги Конституциянинг Муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари устунлиги инкор этилиб, унинг ўрнига *"халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига* ***асосланган*** *ҳолда"* сўзлари ишлатилган.

"Устунлик" билан "асосланган"лик орасида катта фарқ борлиги шубҳасиз. Зеро, халқаро ҳуқуқ устунлигини тан олиш давлатнинг унга нисбатан маълум мажбурияти мавжуд, деб тушунилиши мумкин. Демакки, бундай устуворлик давлатнинг халқаро муҳитда мавжуд бўлган барча халқаро ҳужжатларни тан олиш (қўшилиш) ёки тан олмаса ҳам уларни бажариш мажбурияти борлигини англатади. Аслида эса давлат халқаро ҳужжатларни тан олиши ёки ўз қонунчилигини уларга мослаштириши ихтиёрий бўлиши керак. Ихтиёрийлик давлат мустақиллигининг устувор белгисидир. Устувор дейиш халқаро ҳужжатларни бирламчи, миллий ҳуқуқий тизимни эса иккиламчи, яъни бўйсунувчи, деб хулоса қилишга асос бўлиши мумкин. Халқаро ҳуқуқнинг устуворлигига тааллуқли мажбурият кези келганда босимга айланишини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Янгиланган Конституцияга кўра халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари "асосланган"лик энди "устуворлик"дек мажбуриятни бажаришни эмас, балки халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига нисбатан ҳурмат-эътибор руҳида иш кўришни англатади. Уларни татбиқ этиш керак, лекин мажбуран эмас. Уларни бажариш ҳар бир давлатнинг мустақиллик мақомига мос бўлиши лозим. Бунда асосланиш бутун халқаро ҳуқуққа эмас, балки фақатгина умумэътироф этилган принцип ва нормаларига нисбатан қўлланилади, дейиш тўғри бўлади. Аниқроғи, уларни Ўзбекистон расман тан олган бўлиши керак. Уларга асосланиш қонунларни қўлловчиларга берилган қўшимча имкониятдир. Бу янги таҳрирдаги Конституция туфайли Ўзбекистон ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилган ислоҳот мевасидир.

Халқаро ҳуқуқ ёки унинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан миллий ҳуқуқ нисбати тўғрисида гапирилганда яна бир нарсани эътибордан қочирмаслик лозим. Гап Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолигидан келиб чиқадиган мажбуриятлари тўғрисида. Ўзбекистон БМТнинг аъзоси сифатида унинг Устави ва унинг органлари (Бош ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши) қабул қилган мажбурий ҳужжатларни доимо катта масъулият билан бажариб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон халқаро ҳамжамият олдида катта обрўга эга. Бироқ, бу ҳолатни халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги намоён бўлиши, деб тушуниш юридик нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Зотан, устуворлик деганда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига нисбатан назарда тутилади. БМТ ва унинг тузилмалари ҳужжатлари ҳам қайсидир маънода халқаро ҳуқуқ доирасига кирса ҳам улар халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этадиган халқаро шартнома(конвенция)лар билан тенглаштирилмайди. БМТга аъзолик шартномавий мажбуриятни юзага келтирмайди, яъни БМТ ташаббуси ёки унинг раҳномалигида тузилган халқаро шартномага давлатнинг қўшилиши ёки қўшилмаслиги ихтиёрийдир.

**Иккинчидан,** халқаро ҳуқуқ ёки унинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларининг миллий ҳуқуқдан устувор эмас, деб ҳисоблашнинг яна бир асоси Конституциянинг 15-моддасидан келиб чиқади. Унда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг **таркибий қисмига** кириши белгиланган. Бу уларнинг устуворликдан миллийликка юз тутганлигининг исботи. Ўзбекистоннинг бундай принцип ва нормаларга нисбатан муносабати тубдан ўзгарганлигини уларнинг янги таҳрирдаги Конституция Муқаддимасида, 15-, 17- ва 19-моддаларида акс эттирилганлигидан ҳам билса бўлади.

Кези келганда таъкидлаш керакки, аксарият хорижий давлатлар конституцияларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари миллий ҳуқуқнинг таркибий қисми, деб белгиланган. Демак, уларда ҳам халқаро ҳуқуқ устуворлиги тан олинмайди. Ўзбекистон ҳам шу йўлни танлади. Эндиликда устунлик деганда фақат Конституциянинг 15-моддаси биринчи қисмига киритилган *"Ўзбекистон Республикасида Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади"*, деган қоида тушунилиши лозим.

Илмий манбаларда ёзилишича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларининг аниқ таърифи (рўйхати) мавжуд эмас. Уларнинг юридик кучи бўйича ҳуқуқшунос олимлар ичида ҳам якдил фикр йўқ. Улар кўпроқ мавҳум тавсифга эга. Агар давлат расман тан олсагина, улар реал юридик кучга эга бўлади. Уларга давлат томонидан асосланиш белгиланиши мумкин. Лекин мавҳум нарсаларни амалда устувор, деб қабул қилиш юридик моҳиятга тўғри келмайди. Бошқа томондан бундай принцип ва нормалар халқаро ҳуқуқнинг бир қисми ҳисобланади. Улар **халқаро одат ҳуқуқига айланиб,** давлатларнинг ҳуқуқий тизимига сингиб кетади. Бинобарин, Конституциянинг 17-моддасида бундай принципларнинг 7 тасига асосланиш белгиланган.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари "устуворлиги" инкор этилиб, "асосланганлик"ка ўтилишининг сиёсий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлиб, у ҳозирги замонда инсониятнинг умумбашарий муаммоларига бориб тақалади. Маълумки, умумбашарий ривожланишда глобализм, гегемонизм, неолиберализм ва шунга ўхшаш бошқа жараёнлар авжига чиқмоқда. Бундай жараёнларнинг асл мақсади ривожланаётган давлатларни халқаро гегемон кучлар "домига" тортиш эканлигини англаб етиш қийин эмас. Шундай шароитларда бундай принцип ва нормаларни устун, деб ҳисоблаш мазкур жараёнлар халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини белгилаган мамлакатларга таъсирини рағбатлантириши мумкин. Шундай экан, халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини исботлашга уринишларни ушбу ҳолатларни рўкач қилиб, бемаъниликка йўйиш лозим.

Таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқ устуворлигини тан олиш давлат мустақиллиги негизида шаклланадиган давлатлараро тенглик тамойилига бутунлай зид ҳисобланади. Устуворлик давлатнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига нисбатан тобелигига, халқаро босимга дуч келишига, демакки, тенгсиз, деб қаралишига асос бўлиши мумкин. Таниқли сиёсатшунос олим Н.Жўраев ёзганидек, *"тенглик сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатидан тортиб, давлатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади. ... давлат эса жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлангач, ўз моҳиятига, мустақиллик мақомига эга бўлади".*

Халқаро ҳуқуқ қоидаларини устувор эмас, деб ҳисоблаш Ўзбекистонга халқаро шартномалар шартларини мажбурлаб киритиш имкониятининг олдини олади. Халқаро ҳуқуқ талабларини мажбуран татбиқ этиш ёки уриниш ҳолатлари ҳаётда учраб туради. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, 2022 йилнинг январида Европа Иттифоқи давлатлари энергетика вазирларининг иқлимга оид халқаро шартномаларни бажаришга бағишланган учрашувида Европада кўмир конларини ёпиш талабларини бошқа ва, айниқса, ривожланаётган давлатларга нисбатан ҳам татбиқ этиш, борди-ю бу давлатлар талабни бажармасалар, уларга солиқ солиш кераклигини муҳокама қилганлар. Ривожланаётган давлатларга, масалан, Ўзбекистонга бундай талабни қўйиш тўғри келмайди. Чунки у ривожланишни бўғади. Ўзбекистон ҳам ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олсагина, бундай талаблар ифодаланган шартномаларга қўшилишини ўйлаб кўриш мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш керакки, мустақиллик йилларининг дастлабки даврларида "ҳуқуқ – бу мустақиллик", деб эълон қилдик. Бу айни ҳақиқат эди. Бироқ биз юристлар бу ҳақиқатга зид ҳолда, тушуниб ёки тушунмай, халқаро ҳуқуқ устувор деганимиз ҳам рост.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини устувор деб ҳисоблаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини уларнинг талабларига мос ҳолда қабул қилиши ёхуд давлат органлари (мансабдор шахслар) қарорлар қабул қилишда уларга таяниш мажбуриятига эга деган нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Бунда хато шундан иборатки, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро принцип ва нормаларга эмас, Конституцияга асосланиб ишлаб чиқилади ва қабул қилинади *(Конституция, 16-м.)*, давлат органлари (мансабдор шахслари) қарорлар қабул қилишда халқаро ҳужжатларнинг талабларига эмас, Конституция ва қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашлари айни ҳақиқат.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми, деб ҳисобланганлиги учун уларни эндиликда тўғридан-тўғри (бевосита) қўлланилишининг эҳтимоли кўпайди. Бундай эҳтимол уларни мавҳумликдан реалликка айлантириши мумкин. Айниқса, янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши аниқ белгиланди. Чунончи, Конституциянинг 19-моддасида *"Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари* ***халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига*** *биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва* ***кафолатланади"***, деб белгиланган. Шунга кўра айтиш мумкинки, Ўзбекистонда инсон энди халқаро ҳуқуқнинг ҳам субъектига айланди. Бунинг маъноси шуки, эндиликда фуқаро фақатгина Конституция ва қонунларда акс эттирилган ҳуқуқ ва эркинликларга эмас, балки халқаро ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга ҳам эга бўлади, уларнинг халқаро органлар томонидан ҳимоя қилиниши реал воқеликка айланади.

Инсон халқаро ҳуқуқ субъектига айланганлигининг яна бир исботи Конституциянинг 55-моддасида белгиланган. Унда *"Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли",* деб белгиланган. Мурожаатни кўриб чиққан халқаро органнинг қарорини Ўзбекистон давлат органлари бажариши шарт ҳисобланади. Бироқ бу ҳолатни ҳам халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, деб тушунмаслик керак. Чунки Ўзбекистон давлати халқаро органнинг қарорини миллий ҳуқуқдан устун деб эмас, балки 19-моддада кўзда тутилган халқаро кафолатни рўёбга чиқариш сифатида бажаради.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро нисбати масаласи кўтарилганда Конституциянинг 15-моддасида ифодаланган **"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари"** тушунчасини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Юқорида айтилганидек, айримлар уларни ҳам миллий ҳуқуқдан устувор, деб ҳисоблашишади. Янги таҳрирдаги Конституция туфайли бундай шартномаларнинг роли ва аҳамиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Улар Конституциянинг 15-, 24-, 55-, 133-моддаларида акс эттирилганлиги шундан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган ёки у қўшилган халқаро шартнома Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси дейилади. Бу каби шартномалар ҳам эндиликда конституциявий мақомга эга бўлиб, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми, деб белгиланди. Шу сабабга кўра, уларни ҳам миллий ҳуқуқдан устувор деб бўлмайди. Миллий ҳуқуқда Конституция устувор бўлганлиги учун шундай. Бироқ улар битта шартда қонунга нисбатан устун бўлиши мумкин. Зотан, Конституциянинг 15-моддасига кўра *"Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади",* деб белгиланган. Демак, фақат мана шу шартда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қонундан устун, деб тушунилиши мумкин. Лекин уларни ҳеч қандай шартларда Конституциядан устун, деб бўлмайди. Уларнинг "жойлашиш ўрни" Конституция билан қонунларнинг ўртасида бўлиши лозим. Кўпгина хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳам айнан шундай.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мавқеи нуқтаи назаридан қонундан устун бўлса ҳам қўлланиш имконияти юқорида айтиб ўтилган "шарт" билан чекланган. Яъни, қонунни қўллаш натижа бермаса, ундан юқори юридик кучга эга бўлган халқаро шартнома қўлланилади. Демак, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тенглаштириб бўлмайди. Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир тури, шартнома эса қонун ҳужжатлари эмас, балки ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмидир. Лекин матбуотда бундай шартномалар фуқаролар ҳуқуқларини миллий қонунчилик билан теппа-тенг тарзда ҳимоя қилинишини таъминлайди, деган хато фикрлар учраб туради. Ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш қонунлар ва Конституциянинг устувор функцияси. Давлатнинг устувор ички сиёсати. Уни ташқи ҳимоя билан алмаштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, биринчи навбатда, Конституцияга мувофиқ тузилади. Чунки Конституция устувор ҳисобланади. Бироқ бу масала "Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида бошқачароқ ҳал этилган. Ундан бундай шартномалар, биринчи навбатда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига мувофиқ тузилади, деган маъно чиқади. Янгиланган Конституцияга биноан бу қоида ўзгартирилиши керак.

Таъкидлаш керакки, айрим ҳолларда халқаро сиёсатга тааллуқли фикрлар гапирилганда, "халқаро стандартлар" тушунчаси миллий ҳуқуқнинг уларга мослиги ёки зидлиги нуқтаи назаридан ёдга олинади. Бунда халқаро стандартлар икки маънода: кенг маънода ва тор маънода талқин қилинади. Кенг маънода – халқаро стандартлар дейилганда халқаро ҳуқуққа тааллуқли ҳамма ҳужжатлар (принциплар, нормалар, шартномалар ва ҳ.к.) тушунилади. Тор маънода эса стандартлаштириш қонун ҳужжатларига тааллуқли бўлган ҳужжатлар тушунилади. "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида халқаро (минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг стандартлари қўлланилиши мумкин.

Матбуотда учрайдиган халқаро ҳуқуқ билан миллий ҳуқуқ ўртасидаги нисбатни нотўғри талқин қилинишига сабаб бўлаётган фикрлардан яна бири – миллий қонунчилик "халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилади", деб ҳисоблашдир.

Тўғри, бундай "мувофиқлаштириш" бўйича норма ижодкорлиги амалиёти мавжуд. У Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларидан келиб чиқиши мумкин. Яъни, уларда миллий қонунчиликни янгилаш ёки такомиллаштириш мажбурияти битилган бўлиши мумкин. Таъкидлаш керакки, қонун чиқарувчи органнинг амалдаги қонунларга Ўзбекистоннинг халқаро шартномалардаги мажбуриятларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритиш ёки янгиларини қабул қилиш амалиёти кенг тарқалган.

Бу ҳолатни ҳам миллий қонунларни халқаро ҳужжатларнинг устуворлиги нуқтаи назардан мослаштириш деб эмас, балки Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятини бажариш борасида қонунларни такомиллаштириш ёки халқаро шартномалар қоидаларини миллий ҳуқуққа имплементация қилиш (сингдириш), деб тушуниш керак.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда айрим давлатлар халқаро ҳуқуқнинг эмас, балки, аксинча, миллий (ички) ҳуқуқнинг устунлигини қарор топтириш борасида катта уринишлар қилмоқда. Масалан, Россия Федерацияси Президенти 2020 йилда парламентга қилган мурожаатида ички ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлаш асосий вазифа эканлигини таъкидлаган. Бунга Европа Иттифоқининг босими кучайиб кетаётганлигини асос қилиб кўрсатган.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Конституцияга киритилган янгиликлар шунчаки ҳаётий эҳтиёжларни қондириш мақсадида танлаб олинган эмас. Улар обдон ўйланиб, мамлакатимизнинг ички ривожланиш қонуниятларига асосланиб ва халқаро муҳитда юз бераётган воқеликларга жавобан Конституцияга киритилган. Зеро, ушбу янгиланишларга кўра Янги Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тенглик мақоми асосида мустақил ҳуқуқий тизимга эгалигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бундай шароитда халқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқдан устувор дейиш мумкин эмаслиги ҳам оддий ҳақиқатдир.

Муносабат

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ: Давлат дастури яратилди



**Иномжон ҚУДРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари**

***Коррупция – жамият ва унинг ривожланишига болта урадиган энг оғриқли иллатлардан бири ҳисобланади. Шу боисдан ушбу муаммо одамлар орасида энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир.***

Коррупция шундай иллатки, уни бир ёки икки идоранинг саъй-ҳаракати билан йўқ қилиб бўлмайди. Қачонки, барча фуқароларимиз, бутун жамият унга қарши биргаликда курашиб, унинг илдизларини йўқ қилишга киришсагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Охирги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, бу борада алоҳида агентликнинг ташкил этилиши, давлат харидлари, тендерлар, юзлаб давлат хизматларининг электрон ва шаффоф шаклга ўтказилиши ўз самарасини бераётир.

Президентимиз томонидан коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, жамиятимизда ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлаётган коррупция иллатининг олдини олиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Хусусан, "Transparency International" халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтиришга эришиш мақсад қилинган.

Ушбу дастурий ҳужжатдан давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш, 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг "коррупциядан холи қонунчилик" тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш масаласи ҳам ўрин олгани эътиборга молик.

Президентимиз томонидан шу йил 27 ноябрь куни имзоланган *"Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорат тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги фармон коррупциянинг олдини олишга қаратилгани ва ўз вақтида қабул қилингани билан муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу фармон давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида жиддий ўзгаришларни назарда тутади. Мазкур ҳужжат билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тасдиқланди.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш механизми ҳужжатга илова қилинган Давлат дастурида батафсил белгилаб берилган. 30 банддан иборат дастур 9 та йўналишни қамраб олган. Дастлабки йўналиш айнан давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишни кўзда тутади. Бунда асосий эътибор Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг мақомини ошириш, давлат органларида очиқлик ва мажбурий равишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини амалга ошириш талаблари, жамоатчилик назоратини кучайтириш каби вазифалар белгиланган.

Фуқаролар томонидан коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи "call-марказ"га қилинган қўнғироқларни ёзиб олиш ва овозли хабар қолдириш имконияти, хабар берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш кўзда тутилаётгани эса яна бир муҳим янгиликлардан биридир.

Давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушаётган маблағлар ва уларнинг сарфланиши энг кўп муҳокамаларга сабаб бўладиган мавзулардан бири саналади. Дастурда ушбу жараёнлар устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида уларни очиқ маълумотлар портали ва веб-сайтларда эълон қилиш, умуман, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлаш бўйича вазифалар қўйилаётгани айни муддао бўлди.

Давлат хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш деб номланган иккинчи йўналишда эса давлат ташкилотларига кадрларни ишга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш ва шаффофликни таъминлаш назарда тутилган. Энг катта йўналишлардан бири – давлат харидлари масаласига бағишланган.

Айтиш жоизки, *Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси жамиятда адолатни таъминлашда коррупцияга қарши курашни ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билади. Шу сабабли партиянинг Сайловолди дастурида коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Коррупцияга қарши курашнинг устувор воситаси сифатида давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ҳамда фаолиятининг шаффофлигини ошириш кўзда тутилган. Мазкур фармон билан партиямизнинг юқоридаги ғоялари ҳамоҳанглиги биз учун аҳамиятли бўлиб, айни вақтда ҳужжатда белгиланган вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ этиш бўйича масъулият ҳам юклайди.*

Бир сўз билан айтганда, фармон ва у билан тасдиқланган давлат дастури коррупцияга қарши кенг кўламли курашнинг янги тўлқинини бошлаб беради. Демак, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда курашишимиз лозим. Зотан, бу ўта жиддий, чуқур илдизга эга муаммони жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз йўқ қилиб бўлмайди.

Китобингизни ўқидим

*Ҳорун ар-Рашиднинг ислом илм-фани равнақи учун ғоят жонбозлик кўрсатганидан хабарингиз бор. Унинг илм эгалари, қалам аҳлларига нақадар эътиборли бўлгани ҳақида манбаларда кўп илиқ фикрлар битилган. Жумладан, ўша даврда бирор-бир мавзуда китоби чиққан муаллифга, ўша китобнинг вазнига тенг оғирликда олтин ҳадя қилинар экан. Бу қалам ҳақи бўлганми ёки подшоҳнинг туҳфаси – бизга номаълум. Бу хабарни эшитиб, эҳтимол, ўша даврнинг қаламкашлари, чоп этилган китобларини тарозига тортиб, вазнини чамалашга тушган бўлсалар ажаб эмас. Аммо гап фақат китобнинг вазнидами? Амир ал-мўминин учун китобнинг қанча тош босиши муҳим бўлганми? Йўқ, албатта...*



# ЎТМИШ ВА БУГУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

**Худоёр МАМАТОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

Академик Акмал Саидовнинг яқинда чоп этилган **"Ҳазрат Занги ота"** номли китобини қўлимга олганимда, беихтиёр юқоридаги фикрлар хаёлимдан кечди. Бу бежизга эмас албатта. Сабаби, китобнинг вазни салмоқлигина экан. Кейин уни варақлашга тушдим. Шу асно яна бир фикр хаёлимдан ўтди. Океаншунослик фанида илмий исботини топган бир ҳақиқат бор: **қайси сув ҳавзасининг туби қанчалар чуқур бўлса, сатҳи шунчалар тинч ва сокин бўлар экан.** Буюк уммоннинг Тинч океани деб аталиши ҳам шундан – унинг бошқа океанлардан кўра чуқур эканидан.

Аввало айтиш жоиз, китоб мазмунига ҳам салобатига мувофиқ тарзда тартиб берилган. Саҳифалар рангли иллюстрация ва суратлар билан зийнатланган. У ўнта бобдан иборат бўлиб, унда улуғ авлиё **Занги ота** ҳақида, у зоти бобаракотнинг ҳаёти, фаолияти, маънавияти ва маърифатига оид қимматли маълумотлар берилган. Фанда фундаментал деган ибора ишлатилади. Бу чуқур асосли, деган маънони билдиради. Бинобарин, мазкур китобни бобма-боб мутолаа қилиб чиққанимдан сўнг, уни ҳақли равишда фундаментал асар эканлигига амин бўлдим. Шу ўринда, мазкур китоб муқаддам кичикроқ ҳажмда чоп этилганини, ҳурматли Президентимизнинг таклифи билан у ҳар томонлама бебаҳо маълумотлар билан тўлдирилиб, бадиий безаклар берилиб, қайта нашр этилганини айтиб ўтиш жоиз. Қаранг, китобнинг сўзбошисида муфтийларимиз (собиқ ва амалдаги) ҳамда Президентимизнинг Занги отанинг ислом олами, шонли тарихимиз саҳифаларида тутган ўрни; буюк зотга Амир Темур томонидан кўрсатилган ҳурмат ва бугунги кунларда Занги ота зиёратгоҳини дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган зиёратчилар учун қулай шарт-шароитларга эга, кўкаламзор, обод бир маскан, муҳташам бир қадамжога айлантириш борасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизда наинки зиёрат туризмини ривожлантириш, балки ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясида ҳам алоҳида ўрин тутиши ҳақидаги фикрлари билан танишамиз.

Шундан сўнг муаллиф китобнинг яратилишига сабаб бўлган омиллар устида муфассал, Занги ота зиёратгоҳининг ўтмиши ва бугунги кунгача бўлган солномаси устида тўхталади. Қадамжонинг турли даврлардаги кўринишлари акс этган фотосуратлар, нафақат биргина шу масканга, умуман, дин ва диний алломаларимиз, меросимизга муносабат қандай бўлганининг моддий манзарасини ҳосил қилади. Масалан, 1956 йили зиёратгоҳнинг дарвозаси устида кетаётган таъмирлаш ишлари акс этган фотосуратга боқиб, муаллифнинг "...собиқ шўролар тузуми даврида зиёратгоҳлар ҳам, зиёратчилар ҳам шафқатсиз таъқибга учраган... 1930 йили Занги ота зиёратгоҳининг масжиди ёпиб қўйилган. 1945 йили масжид расман очилган бўлса-да, 1946 йил яна ёпилган, зиёратгоҳ эса даҳрийлар музейига айлантирилган" деган сатрларини тушуниш ва тасаввур қилиш осон кечади. Шу ўринда яна бир гап: мазкур тасвирни суратга туширган суратчи Ф.Гринберг юртимиз тарихидан далолат бергувчи бир ҳолатни мангуга муҳрлаш баробарида, ўзи ҳам унинг таркибий бир қисми бўлганини, вақти келиб унинг ҳам номи шундай фундаментал асарда зикр этилишини ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса керак. Бу ҳам мазкур китобнинг аҳамиятга молик жиҳатларидан бири.

Китоб шакли қадимда бизда мавжуд бўлган китобот санъати, унга тартиб бериш маҳоратини яна бир карра ёдга солади. Ҳазрат Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" асарини эсланг. Мутафаккир шоир уни тўртта бобга ажратиб: "Бадоеъ ул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя", "Ғаройиб-ус-сиғар" ва "Наводир уш-шабоб" деб номлаган. Китобга бу тарзда тартиб бериш, унинг тадрижийлигини таъминлашга ҳамда ўқувчининг ҳукмига ҳавола этилаётган маълумотларнинг кетма-кетлиги ва фикрнинг узвийлигига хизмат қилади. Ҳар қандай асарнинг ўқишли экани, унинг мазмун-моҳияти билан бир қаторда шакли ва муаллифнинг танлаган ифода услубига ҳам вобаста эканини таъкидламоқчиман. Зотан, биз тарихимиз, маданиятимиз, маърифий маҳзанларимизга қайтиб, уларни қайта тиклаш орқали буюк келажагимизни яратиш йўлига тушган эканмиз, биринчи навбатда, халқимиз орасида китобга иштиёқ, унинг шакл ва мазмун жиҳатини яхшилаш, мутолаа имкониятлари, бир сўз билан айтганда, китобхонлик маданиятини ўстиришимиз керак бўлади.

Ҳар ёқда сочилиб ётган маржон ва марварид ҳеч қандай қиймат касб этмаслигини барчамиз биламиз. Уни битта-биттадан териб, ишлов бериб, бир ипга тизилганидагина у яхлит бир зебу зийнат воситасига айланади. Муаллифнинг зиёли ва ўткир зеҳнли инсон экани, тўртта хорижий тилни мукаммал билиши ва жуда кўп адабиётлар билан таниш экани китобнинг ҳар бир саҳифасидан англашилиб туради. Масалан, асли исми **Ойхўжа ибн Тошхўжа** бўлган бу улуғ зотнинг **Занги ота** номи билан аталиши ҳақида халқ орасида кенг тарқалган бир қараш бор эди. Камина ҳам кези келганда ана шу маълумот билан кифоялланганим рост, яъни ҳазрат "...қора танли, лаблари дўрдоқ, барваста киши бўлган...". Шу боис у кишини Занжи ота (кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, Занги ота) деб аташган. Муҳими, муаллиф шу каби биргина фараз билан кифояланиб қолмаган. Зотан, Ойхўжа ибн Тошхўжанинг шажараси Пайғамбаримизга бориб тақалади, қолаверса, ўз даврининг йирик алломаси Аҳмад Яссавий ҳам эндигина чилласи чиққан боланинг отасига: "...ўғлинг занжи туғилибди, ўзининг араб қавмига тортибди" деган сўзларини мисол келтириб, бу мавзуга нуқта қўйиши мумкин эди. Лекин, олим худди мана шу масалани атрофлича ўрганиб, бу борадаги маълумотларни тўплаб, беш хил мулоҳазани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Унинг ҳар бири Занги отанинг шаънига, илмий салоҳиятига, касбий лаёқатига тўла-тўкис мувофиқ келади. Дейлик занги сўзининг "занжи" (арабча қора танли) – у зотнинг рангу рўйига; "катта, улуғ мағрур" (туркий сифатлар) – келбатли киши бўлганига; занги сўзининг яна бир маъноси нарвон экани – улуғ зотнинг тариқатда тутган даражаларига; эмин ота деб аталиши – халқ орасида қўли эм табиб бўлганликларига батамом мос келади.

Муаллиф шу сафда Занги отага халқ томонидан берилган яна бир кўнё – Ҳимматий сифати устида ҳам атрофлича фикр юритади. Юқорида айтганимиздек, мавзуни у зотнинг мард, танти ва қўли очиқ инсон бўлгани ҳақидаги маълумотлар билан мухтасар қилиб қўймайди. Балки бу сўзнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини чуқур тадқиқ этади, сўфизм таълимотида қанчалик моҳиятга эга эканини изоҳлайди. Билим бисотимизни, маълумотлар маҳзанимизни борича бойитиш йўлини тутади. Бу эса ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, хилватда анчайин хизмат қилинганидан далолат.

Ҳар ким бошлаган ишини мана шу каби жонбозликлар билан намоён этса, ҳиммат кўрсатса, учинчи Ренесанс сари катта-катта одим отишга муяссар бўламиз. Бу ташаббусни давлатимиз раҳбари ишонч билан илгари сурганлари, у фақатгина хоҳиш ва истакнинг маҳсули эмас, балки шунга яраша етарли асос ва тажрибага эга эканимиздан. Энди эса ана шу иккита Уйғониш даврида яратилган шонли ўтмиш, давлатчилик тарихига эгамиз. Архимед айтгани каби "таянч нуқта"миз бор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу дунёда борлигимизни намоён қилиб турадиган ҳаётимиз оинаси бўлмиш алломаларга эгамиз: **"Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларнинг миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак"**. Давлатимиз раҳбарининг мана шу сўзлари ҳар биримизда катта меҳнат, улкан масъулият ҳиссини пайдо қилади.

Ростини айтиш керак, собиқ шўро тузумидан мерос бўлиб қолган боқимандалик кайфиятига гирифтор бўлган ва бу иллатдан ҳали-ҳануз қутила олмаётган кишилар ҳам орамизда йўқ эмас. Президентнинг чақириғини давомли қарсаклар билан қаршилаб, амалда бирорта иш қилмайдиганлар ҳам бор. Ана шу ўринда академик Акмал Саидовнинг Янги Ўзбекистон сиёсатига қанчалик сомеъ эканлиги яна бир карра кўзга ташланади. Ёшларни илм эгаллашдан оғишмасликка, бошланган ишни шараф билан охирига етказиб, машаққатли меҳнатининг кўплар учун фойдали бўлган маҳсули билан қониқиш ҳосил қилишга ундайди. Зотан, енгилнинг остини, оғирнинг устини кўзлайдиган вақтлар ўтди. Навоий ҳазратларининг таъбири билан айтганда, риёзат чекмай маърифатга эришиб бўлмайди.

Бу дунёда барҳақ бўлмиш бир ҳақиқат бор: тузишдан кўра бузиш осон. Ҳали оқ-қорани танимаган болангизнинг қўлига бирор қўғирчоқми, ўйинчоқми ёки китобни бериб кўринг. Зум ўтмай қўғирчоқни қисмларга ажратиб ташлайди, китобни ҳам беҳисоб бўлакларга бўлиб ташлайди. Ўтган аср "доҳий"ларидан бири буни "болаларча сўллик" касали деб номлаганидан ҳам хабарингиз бор. Лекин аста-секин улғайиб, одамнинг эси киради. Нарса ва ҳодисаларга бошқача назар ташлай бошлайди. Фойда ва зарарни фарқлайдиган, қадриятларни қадрлайдиган шахс сифатларини намоён этади. Бу дунёнинг асоси илмдан эканини, илм эса катта машаққат билан қўлга киритиладиган битмас-туганмас бойлик эканини англайди. Мазкур китоб худди мана шу каби кишилар учун бебаҳо маҳзан бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бежизга биз уни фундаментал асар деб атамадик. Бинобарин, ундан салмоқли ўрин эгаллаган "Занги ота ва Анбар она тарихига оид янги тадқиқотлар" ёки "Занги отанинг шажара ва силсилаларига доир янги маълумотлар" бобларидан шу қадар кўп маълумот олиш мумкинки, бу китобни улуғ зотнинг википедияси даражасида баҳолаш имконини беради.

Ҳақиқат баҳсда, баҳс эса қиёсда намоён бўлиши – аксиома, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу жиҳатдан олиб қараганда, китобнинг яна бир алоҳида жиҳати, у ўтмиш билан бугунги кун ўртасидаги кўприк вазифасини ўташидир. Сана ва воқеалар талқини фотосуратлар тарзида тарихнинг тараққиёт босқичлари тарзида тартиб берилгани диққатимни тортди. Сир эмас, қуёш нурларининг фотосинтези натижасида ҳосил бўлган кино ва телевидение намойишлари оқ-қора тасвирдан ранглига кўчиб борган. Бунда ҳам шу жараёнга амал қилинган. Аввалига ўтган асрнинг ўттизинчи, эллигинчи йилларига мансуб фотосуратлар жойлаштирилган бўлса, кейин ёрқин ва рангин иллюстрациялар сизни "кеча"нинг қирғоғидан "бугун"нинг соҳилига олиб ўтади. Диний алломаларимиз, улуғ зотларнинг қадамжоларида қанчалик катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, янгиланиш жараёнининг кўлами қанчалар кенг эканини исботлайди.

Ҳали фото ва кинотасвир воситалари бўлмаган даврда, Амир Темур ҳазратлари, жаҳон аҳлига **"Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, келиб биз қурган иморатларга боқинг"**, деган гапни ирод қилган. Бугун фан ва техника мисли кўрилмаган даражада равнақ топди. Энди юртимизда дин соҳасида ислоҳотлар ўтказилаётгани, ижобий натижалар қўлга киритилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин, бу ишларни атай кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка оладиганлар йўқ дейсизми? Ҳақиқий ҳолат бунда қолиб, уч-тўртта ғаразгўйнинг гапига қараб хулоса қиладиган сиёсий доиралар озми? Шу жиҳатдан олиб қараганда, менинг назаримда, бу китоб ўшандай кишилар учун ҳам яхшигина ўрганиш объекти, тўғри тасаввур берадиган манба бўлиши шубҳасиз. Шунинг баробарида китобнинг мундарижасига киритилмаган яна бир боб бор: уни таъбир жоиз бўлса "Ҳошиядаги маълумотлар", деб аташ мумкин. Қуръон оятлари, муқаддас ҳадислар ва таниқли инсонларнинг эътирофларини ўз ичига олган ана шу бобда бир қатор хорижлик мутахассислар ва таниқли инсонларнинг, хусусан, БМТнинг Ўзбекистондаги вакили бўлиб ишлаган – Хелена Фрайзер, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари (собиқ) – Майкл Барри Лейн, француз тарихчи олими – Тьерри Заркон ва бошқаларнинг юртимизда виждон эркинлиги ва диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган ишлар, динимиз ва алломаларимиз хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳеч қандай иштибоҳга ўрин қолдирмайди.

Китобда "Занги отанинг аждодавлодлари шажараси", "Яссавий тариқати силсиласи", шунингдек, ҳар икки улуғ зотнинг насабномаларининг тадрижий кетма-кетликда берилиши ғоят ибратли иш бўлган. Айтиш жоизки, бу маълумотларни ўқувчига етказиб берилиши ортида, унинг шу кунларга қадар етиб келгани муҳим аҳамият касб этади. Зотан, шажаралар, насабномалар жамики бошқа диний адабиётлар, қўлёзмалар сингари кескин таъқиб ва тазйиққа учрагани ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Бундай муҳим ҳужжатларнинг аксари йўқолиб кетгани, оиласининг тинчлиги, фарзандларининг хавфсизлиги учун одамларнинг ўзлари уларни ўтда ёққани ёки овлоқ жойларга олиб бориб кўмгани аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат.

Шу нуқтаи назардан, китобга илова қилинган силсила ва шажара, шунингдек, насабнома сингари ҳужжатларни сақлаб келган авлодларга тасанно десак арзийди. Унинг китобдан жой олиши эса олимнинг изланишлари маҳсули, топилмалар устида қаттиқ ишлаганини тасдиқлайди.

Москвада бўлган бир анжуман чоғида мухбирларимиздан бири таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовдан улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида интервью беришини сўраганида, аввало, "таҳорат олиб келсам майлими", деган экан. Бу мусулмонларга хос одоб, улуғларга бўлган муносабатнинг бир шингили холос. Қайсиким, улуғ инсонларнинг қадамжоларини зиёрат қилишнинг, марқадларига киришнинг ўз қоидалари бор. Масалан, масжидга кираётган киши билан ундан чиқаётган киши остонада юзма-юз келиб қолса, ким кимга йўл беради? Дейлик масжиддан чиқаётган кишининг ёши улуғ бўлса? Чиқаётган киши кираётган одамга йўл бўшатар экан. Бунинг замирида улкан маъно бор, мантиқ билан унинг маъносини чақиш унча мушкул эмас. Худди, шунингдек, зиёратгоҳларга қадам қўйишнинг, қабр бошида туришнинг, остонадан салом бериб, ўнг оёқда ўтиш – буларнинг бариси одоб-ахлоқ доирасидаги савоб амаллар сирасига киради. Китобда шу ва шунга доир яна кўплаб ҳар бир инсон учун фойдали маълумотлар келтирилган.

Китобга киритилган иқтибослардан бирида давлатимиз раҳбарининг **"Илм ўтда ёнмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойликдир"** деган сўзлари келтирилган. Дарҳақиқат, илмни уммонга ўхшатган Мирзо Бедилнинг сўзлари билан ҳамоҳанг бу сатрлар. Хоссатан, асил марварид уммоннинг тубида бўлади, сиртидан фақат кўпик ҳовучлашинг мумкин. Унинг қанча суви борлигини ҳеч ким сарҳисоб қилмаган бўлса керак. Қора денгизда сайр қилиб юрган кезлари адибларимиздан бири академик шоир Ғафур Ғуломга: "Устоз, шу денгизнинг суви неча челак чиқсайкин?" деб савол берибди. Шоир унга жавобан "бир челак" деб жавоб қилган экан бамайлихотир. Суҳбатдоши таажжубланиб, қанақасига бир челак, дея яна қайта сўраганида: **"Денгиздек челагинг бўлса, бир челак бўлади"**, деб жавоб қайтарган экан шоир.

Ўша чоғ шоиримиз Ҳазрати Мирзо Бедилнинг илм уммонга ўхшаши ҳақидаги гапини ёдга олган бўлса ажаб эмас. Челак деганда у инсоннинг имконияти, илмга бўлган иштиёқи, эҳтиёжини назарда тутган. Зотан, уммоннинг улуғлиги ҳавзасининг кенглиги билангина эмас, сув сатҳининг чуқурлиги билан ҳам баҳоланади. Сувсиз ўзаннинг ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги Оролдан қиёс. Бинобарин, аввалбошда айтганимиз каби, Амир ул-мўминин Ҳорун ар-Рашид янгидан нашр этилган китобнинг вазнинигина қадрламаган, балки унинг замирида қандай маънолар, маълумотлар жой олганига эътибор қаратган. Шу жиҳатдан мазкур китобнинг саҳифалари қўлёзмалар, тарихий ҳужжатлар, китобга кирган айрим сўзлар ва ибораларнинг изоҳли луғати, зиёрат одоби, ҳазратнинг ижодидан берилган намуналар – қўйингки, бундан бошқа яна кўпгина ижобий жиҳатлари билан йирик бир қомусий асар дунёга келганинидан дарак беради.

Шу ўринда Президентимизниг мазкур китобдан жой олган қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Шарқ донишмандлари айтганидек, **"Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – билимсизликдир".** Бу китоб ўқишга, ундан маънолар уқишга яна бир даъват. Мазкур китобнинг саҳифаларида илмга ундовчи чақириқлар бисёр.

Ростини айтганда, академик Акмал Саидовнинг **"Ҳазрат Занги ота"** номли китоби олдимда тураркан, ўзимни улкан уммон қаршисида тургандек ҳис этдим. Унда шонли ўтмишимиз билан боғлиқ барча асотирлар мавж уриб тургандек. Ҳақиқатан, илмга чанқоқ бўлсангиз, истаганингизча олиб ичишингиз, эҳтиёжингизни қондиришингиз мумкин. Бу – фақат эҳтиёжингизнинг миқдорига боғлиқ.

"Адолат" тарозиси

# ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК

## жазодан озод қилмайди

**Элдор ТИНИБЕКОВ,**
**Ховос транспорт прокуратураси терговчиси, 2-даражали юрист**

***Ўзга юртни қилмагин орзу, ҳар ерда бор тошу тарози, деганларидек, ҳар бир давлатнинг ўз қонун-қоидалари бор. Ўз юртида ҳуқуқларини яхши билмаган киши бегона юртдаги қонунларни қаердан ҳам билсин...***

***Фарҳод Файзуллаев** (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартирилган) **ҳам ана шундайлардан. У ўз билимсизлиги, ҳуқуқларини яхши билмаслиги сабабли қонунга хилоф тарзда иш тутиб, жиноий жавобгарликка тортилган фуқаролардан бири.***



Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди 2023 йилнинг 27 октябрь куни ўз биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Фарҳод Файзуллаевнинг жиноят ишини кўриб чиқди.

1988 йилда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида туғилган Фарҳод Файзуллаев 2013 йилда Россия Федерациясига йўл олади. У ерда 10 йил ишлайди. Уйдан кетаётганида хорижда бир неча йил ишлаб топган маблағига тўй қилиб, уй-жой қилиш кифоялигини ният қилади. Аммо ошпазлиги ортидан мўмайгина даромад топа бошлагач, юртга қайтиш фикридан қайтади. Судланувчи Россия Федерациясида бўлиб туриш муддатини узайтириш мақсадида 2023 йилнинг 2 июнь куни Россия давлатидан "Москва – Истанбул" йўналишидаги авиарейсга чипта олиб, Ҳаво йўллари орқали Туркия Республикасига бориб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг 3-банди олтинчи хатбошисида кўрсатилган "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилдаги намунадаги биометрик паспорти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ундаги рухсат ёзуви стикерининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун ҳақиқий ҳисобланмайди. Фуқароларнинг қайд этилган ушбу тоифаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этиладиган давлатларга кириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш учун биометрик паспортини расмийлаштиришни сўраб, ўрнатилган тартибда мурожаат қилиши керак"лиги ҳақидаги қоидани бузиб, Россия Федерацияси орқали Туркия давлатига киради. Яъни, белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф иш қилади.

Суд мажлисида Ф.Файзуллаев айбига иқрор бўлиб, Россия давлатида бўлиб туриш муддатини узайтириш мақсадида қўшни давлатларга кирди-чиқди қилиб турганини, 2023 йилнинг 2 июнь санасида Туркия давлатига борганида аэропорт ходимлари унинг ҳужжатларини текшириб, визаси йўқлигини билгач, уни депорт қилиб, Туркиядан Россия Федерацияси Москва шаҳрига қайтариб юборишганини айтади. Фуқаролик паспортининг амал қилиш муддати 2023 йилнинг 23 сентябригача эканлиги сабабли уни янгилаш мақсадида 2023 йилнинг 30 август куни Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган вақтида чегара назорати ходимлари унинг фуқаролик паспортини кўздан кечира туриб, тегишли рухсатнома олмасдан Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига борганини аниқлашади. Ф.Файзуллаев суд мажлисида Туркия давлатига ёмон ниятда бормаганлигини, соғлигида муаммолар бўлганини, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмаслиги туфайли қонунни бузганлигини айтиб, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик берилишини сўради.

Тўғри, инсон баъзида билиб, баъзида билмасдан хато қилади, янглишади. Аммо қонун ҳамма учун баравар. Суд далил ва исботларга асосланиб, фуқаро Фарҳод Файзуллаевнинг ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этганлигини аниқлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддасида "Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади", деб белгиланган.

Суд судланувчи Ф.Файзуллаевга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, соғлиги ва оилавий шароитини, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосининг энг кам муддатини – 3 йилгача озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Бу ўзи муқим яшайдиган ва вақтинча яшаётган давлатнинг амалдаги қонунларини билмасликнинг, унга лоқайдлик билан қарашнинг оқибати, десак тўғри бўлади.




# БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

## Донорлик акцияси юқори савияда ўтказилди

***Табиат инсониятга туҳфа этган бебаҳо неъматлар сабаб, одамзод ер юзида неча минг йиллардан буён юксалишлар, янгиланишлар ва улкан кашфиётлар силсиласида яшаб келмоқда. Бироқ шундай жараёнлар бўладики, табиат бу борада инсониятга ёрдам кўрсатишга ожиз. Унда фақат инсон бошқа бир инсон ҳаётини сақлаб қолишга қодир. Сув ва ҳаво бутун борлиққа жон бахшида этгани каби томирларда оқаётган ҳар бир томчи қон инсониятнинг тириклик манбаи демакдир. Бугун нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда қон ва қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж жуда ҳам юқори. Ҳар куни минглаб инсонлар донорлар қонига муҳтож бўладилар. Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқишнинг имкони йўқ.***

***Айни мана шундай нуқталарда, инсоният мурувват, саховат ва ўзаро меҳр-оқибат фазилатлари сабаб чин маънода табиатнинг онгли ва энг олий мавжудоти эканлигини яна бир бор намоён этади.***

Мана, етти йилдирки, “Адолат” СДП 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан **“Бор меҳримиз сенга, болажон!”** шиори остида беғараз донорлик акциясини ўтказиб келади. Акциядан кўзланган асосий мақсад беморлар дардига шифо, ўксик кўнгилларга қувонч улашиш билан бир қаторда, инсонийликнинг энг юксак мезони саналмиш меҳр-саховат туйғуларини тараннум этиш ва саховатпеша инсонларни мазкур хайрли иш атрофида бирлаштиришдан иборатдир.

Ҳар йилги анъанага мувофиқ, жорий йил 1 декабрь санасида “Бор меҳримиз сенга, болажон!” лойиҳасининг навбатдаги акциясига старт берилди. Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топширишга чақириш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган мазкур акция давомида республика бўйлаб минглаб кўнгиллилар иштирок этишди.

*– Инсон организмида 4,5-5 литр қон бўлади,* **– дейди Республика қон қуйиш маркази директори Аълонур Саидов.** *– Кўп йиллик илмий изланишлар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, 500 мл. гача қон топшириш организм учун хавфсиздир. Қон қуйишга муҳтож бўлиб қолган ҳар бир одамнинг алоҳида қон гуруҳи ва резус фактори борлигини инобатга олганда, унга фақатгина шу гуруҳ ва фактордаги қон қуйилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, қон бериш истагида бўлган кўнгиллиларнинг кўпайиши янада кўпроқ беморлар ҳаётини сақлаб қолишда жуда катта аҳамият касб этади. “Адолат” СДП билан ҳамкорликда етти йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Бор меҳримиз сенга, болажон!” акциясини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад хам, энг аввало, инсонларда қон қуйиш учун хавфсиз қоннинг муҳимлиги ва қон донорларининг зарурлиги борасидаги тушунчаларни шакллантиришдан, ўз ўрнида кўнгилли донорларнинг инсоният олдидаги хизматларини рағбатлантириб, уларга миннатдорлик билдиришдан иборатдир. Акция доирасида йиғилган қон онкологик касалликларга чалинган бемор болажонларнинг ҳаётини сақлаб қолишда фойдаланилади. Мазкур акция давомида тўпланган қон турли касалликлар ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли қонга муҳтож бўлган бемор болажонларга ҳаёт бағишламоқда.*

Айни мана шундай эзгу амаллар йўлида, ўзининг дастурий мақсадларида аҳоли саломатлигини сақлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга кўмаклашишни устувор масалалардан бири сифатида белгилаб олган “Адолат” социал-демократик партияси мамлакатимизда донорларга бўлган эътиборни юксалтириш, донорлик акцияларини кенг оммалаштириш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган йилларда партия ташаббуси билан ўтказилган “Бор меҳримиз сенга, болажон!” беғараз донорлик акцияларида **Республика миқёсида жами 19 452 нафар кўнгилли донорлар иштирок этгани ва натижада 6 808 литр қон йиғишга эришилиб, ушбу ҳаёт томчилари орқали 38 904 нафар қонга муҳтож болажонлар ҳаёти сақлаб қолинганига эътибор қаратсак, партияни ушбу хайрли ҳаракатнинг мамлакатимиздаги етакчи ташаббускори дейишимизга етарлича асослар бор.** Аҳамиятлиси, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат туйғуларини ҳамиша қадрлаган юртдошларимиз иштирокидаги акциямизнинг бу галги жараёнлари ҳам кўтаринки руҳда, ташаббуслар асосида ўтди.

Айниқса, ватандошларимиз беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак кўрсатишни инсонийлик бурчи деб билиши, қолаверса, беморлар кўзимизнинг оқу қораси бўлган болажонлар эканлиги бу масъулиятни янада кучайтирди.

Жараёнда иштирок этган партия вакиллари ҳамда тиббиёт соҳаси мутахассислари томонидан кўнгилли инсонларнинг болалар учун топширган қони уларнинг дардига шифо бўлиб, ҳаётга бўлган ишончини ошириши таъкидланди.

Акция жараёнида нафақат фуқароларимиз, балки мамлакатимиз тинчлиги йўлида камарбаста ҳарбийларимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари ўз ташаббуслари билан, фаол иштирок этишди. Эл ардоғидаги санъаткорлар, телерадио бошловчилари ҳамда журналист ва блогерларимизнинг ушбу акцияга хайрихоҳ бўлиб, жараёнларда ташаббус кўрсатиши тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ Қон қуйиш марказига байрамона тарзда кириб келган кўнгиллилар “Бор меҳримиз сенга, болажон!” акцияси инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи лойиҳа сифатида аллақачон кўпчилик юрагидан жой олиб улгурганининг яққол ифодаси бўлди. Бу эса, ўз навбатида, партия хайрихоҳларининг сафи кундан-кун кенгайиб бораётганлигидан, инсонпарварлик ғояларининг аҳолимиз томонидан илиқлик билан кутиб олинаётганлигидан дарак беради.

*– Биз “Адолат”чилар учун бу доимий ишга айланиб улгурди. Бугунги акцияга ҳам алоҳида тайёргарлик кўрилди. Мақсадимиз – бемор болалар учун кўпроқ қон топшириш билан уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашишдир,* **– дейди “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари Малоҳатхон Мусаева.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ қон қуйиш станциясида ҳам “Бор меҳримиз сенга, болажон!” донорлик акцияси кўтаринки руҳда ўтди.

“Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ёшлар қаноти, Аёллар қаноти, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, кўнгилли фуқаролар, Ширин шаҳридаги ҳарбий қисм хизматчилари иштирокида ўтган мазкур хайрия тадбири давомида Сирдарё вилоят қон қуйиш станцияси бош шифокори Х. Халамов Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудларга тақдим этилган “ISUZU HC40” русумли автотранспорт воситалари негизида тайёрланган кўчма донорлик мажмуасини акция иштирокчиларига таништирди.

Мазкур автобуслар махсус каравот, музлаткич, гемоконтейнер, ҳавони бактериялардан тозалашга мўлжалланган лампалар, кондиционер билан жиҳозланган. Унда бир вақтнинг ўзида 3 нафар донордан қон олиш мумкин. Мобил донорлик комплекслари юртимизда сайёр донорликни ривожлантириш, ҳудудларда сифатли қон компонентларини йиғиш ишларини самарали ташкил этишга хизмат қилмоқда.

*– Донорларга бўлган эҳтиёж бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда “Бор меҳримиз сенга, болажон!” каби беғараз хайрия қон бериш акциялари ташкил қилинмоқда,* **– дейди Сирдарё вилоят қон қуйиш маркази лаборатория мудири Г.Абдужабборова.** *– Кунига тезкор жарроҳлик операциялари, туғруқ, автоҳалокат ва ҳар хил фавқулодда вазиятлар бўлади. Захирада қон миқдори бўлмаса, биз беморга қон етказиб бера олмаймиз. Донорларнинг сони кўпайиши, захирамиз янада ошиши учун тарғибот ишларини кўпайтиришимиз керак.*

НАМАНГАН ВИЛОЯТИда ташкил этилган донорлик акцияси хам эрта тонгдан хайрли ишни мақсад қилган саховатпеша инсонларни вилоят қон қуйиш маркази атрофида бирлаштирди.

*– Биз мазкур акциямиз орқали минглаб инсонларнинг соғайиб кетишига ёрдам берган бўламиз,* **– дейди Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов.** *– Бу каби хайрли ишлар нафақат йилда икки бор, балки ҳар чоракда ўтказилиши тарафдоримиз. Акция давомида эртанги кунимиз эгалари бўлган – болажонлар соғлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиш истагида бўлган юртдошларимизнинг кўплигини кўриб чин дилдан қувонасан киши.*

Партиянинг ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ кенгаши ҳам мазкур акцияда ўзининг фаол иштироки билан алоҳида жонбозлик кўрсатди. Олмалиқ шаҳар қон қуйиш бўлими, Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти қон қуйиш станцияси ҳамда Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасида кўплаб юртдошларимиз саховатли ишга бош қўшдилар. Акцияда “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, партия фаоллари, Мудофаа ишлари бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда Миллий гвардия вилоят бошқармаси ходимлари, ёшлар ва кўнгиллилар иштирок этди. Беғараз донорлик акциясида турли касаллик ёки бахтсиз ҳодисалар ортидан қон қуйишга муҳтож бўлган бемор болаларга ёрдам кўрсатиш, ҳаётга қайтишига кўмак бериш ҳамда соғайиб кетишига ҳисса қўшишдек хайрли ва савобли ишга бел боғлаган юздан ортиқ партия хайрихоҳлари қон топширди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИда ўтган донорлик акцияси бемор болажонлар учун қон бериш истагида бўлган кўнгиллиларнинг ўтган йилларга нисбатан анча юқори кўрсаткичларни қайд этгани билан янада аҳамиятли бўлди.

*– Президентимизнинг 2022 йил 9 августдаги “Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарори асосида донорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича тизим яратилган,* **– дейди партия вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳайитов.** *– Қарорга асосан, 2023 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга бирйўла бериладиган пул мукофоти суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн беш бараваригача оширилди. Ушбу кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга бир қатор ҳуқуқлар ҳам берилди. Жумладан, улар учун қулай бўлган вақтда йиллик асосий меҳнат таътилига чиқиш, шаҳар жамоат транспортининг барча турларидан бепул фойдаланиш, давлат санатория-курортларида даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз олиш ва бошқа шу каби тизимли ислоҳотларнинг олиб борилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.*

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИда донорлик акцияси давомида вилоят қон қуйиш марказида эрта тонгдан партиянинг барча ходимлари, партия аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ҳамда кўнгиллилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа турли соҳа вакиллари иштирок этди. Ҳудудларда кўнгилли ҳарбийлар ҳам бемор болажонлар учун қон топширди.

*– Инсон саломатлиги бебаҳо неъматдир,* **– дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева.** *– Хусусан, мазкур донорлик акцияси ҳам кўплаб бемор болажонларимизнинг соғлигини тиклашда муҳим ўрин тутади. Биз ҳам бу эзгу ишга ўз ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунмиз.*

Партиянинг Фарғона вилояти кенгаши донорлик акциясини юқори савияда ташкил этибгина қолмай, тадбирда фаол иштирок этаётган ҳар бир кўнгилли инсонларга миннатдорлик билдириш билан бир қаторда уларни келгусида партиянинг бу каби эзгу амалларни мақсад қилган бошқа яна бир қанча тадбир ва лойиҳаларида иштирок этишга чорлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

*– “Адолат” партияси ва барча ҳамкорларга бугунги фаоллик учун миннатдорлик билдирамиз. Партия томонидан ўтказилаётган мазкур акция юзлаб кишиларни қонга муҳтож бўлган бемор болажонларга ҳаёт бағишлаш ва уларнинг соғайиб кетишларига ҳисса қўшишдек хайрли ва савобли иш учун бирлаштирмоқда,* **– дейди Фарғона вилоят қон қуйиш станцияси врач эпидемиологи Ойбек Йўлдошев.** *– Акция доирасида 100 нафардан ошиқ юртдошимиз қон топширди. Анъанавий тадбирда партия ходимлари биринчилардан бўлиб ташаббус кўрсатиб, иштирок этгани барча учун ибрат бўлди.*

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ Қон қуйиш марказига келган кўп сонли кўнгилли юртдошларимиз, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм филиали, кўп тармоқли вилоят Тиббиёт маркази, кўп тармоқли вилоят Болалар тиббиёт маркази, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Хоразм телерадиокомпанияси вакиллари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ходимлари, партия фаоллари, депутатлари билан биргаликда донорлик акциясида иштирок этишди.

*– “Адолат” СДП томонидан инсон қадр-қиммати, шаъни ва саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларини кузатиб бораман,* **– дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Кўпал Тангриберганов.** *– Партияга бўлган ҳурматим чексиз. Акция тўғрисида эшитиб, бир гуруҳ ҳамкасбларим билан акция иштирокчиси бўлдик. Партиянинг келгуси фаолиятига омад тилаймиз ва халқимиз саломатлиги йўлида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаймиз.*

Акцияда иштирок этаётган бемор болажонлар ота-оналарининг ҳам қувончи чексиз. Қалби дарё, саховатпеша инсонлар сабаб хасталик билан курашаётган болажонларнинг кўнглида эртанги кун учун уйғонаётган умид ва қувонч туйғулари ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди, албатта.

*– Иккала фарзандим ҳам туғилганидан наслий гемолитик талосмия касаллиги билан оғриб келади. 13 йилдан буён фарзандларимни даволатиб келамиз. Бугун фарзандларимга партия фаоллари беғараз донорлик қилишди. Мушкулимиз бироз бўлсада енгиллашди. Инсонлари қадр топган юртимдан миннатдорман,* **– дейди бемор болаларнинг онаси Нилуфар Собирова.**

Бир сўз билан айтганда, “Адолат” СДП томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган **“Бор меҳримиз сенга, болажон!”** донорлик акциясининг навбатдаги хайрия тадбири минглаб ўксик кўнгилларга қувонч, хаста инсонларга умид бахшида эта олди. Саховатли ишда фаоллик кўрсатган партиядошларимиз, давлат ташкилотлари ҳамда барча маданият ходимлари, журналист ва блогерларга ўз миннатдорлигимизни билдирган ҳолда юртдошларимизни мазкур хайрли ишни янада кенг оммалаштириш, болаларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш йўлида жипслашишга чақириб қоламиз.

БУ ЙИЛ ЎТКАЗИЛГАН АКЦИЯ ДОИРАСИДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ 2 235 НАФАР ДОНОР КЎНГИЛЛИ РАВИШДА ТОПШИРГАН ҚОН 1 006 ЛИТРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БУ ЭСА РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ 4 000 НАФАРДАН ОРТИҚ ХАСТА БОЛАЖОНЛАРНИНГ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ..

Маълумот ўрнида яна шуни эслатиб ўтмоқчимизки, донорлар 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, 55 килограммдан ортиқ вазнга, аёлларда гемоглобин даражаси 120, эркакларда эса 130 дан юқори бўлиши каби талабларга жавоб берадиган соғлом инсонлар бўлиши лозим. Шунга мувофиқ тарзда аёллар ҳар уч ойда, эркаклар икки ойда бир марта донорлик қилишлари мумкин ва бир неча маротаба тиббий ҳамда қон текширувидан ўтиши лозим.

Донор бўлишни хоҳлаган ҳар бир инсон нафақат 1 декабрь, балки йил давомида ҳам соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда донор сифатида қон топшириши мумкин.

**Унутманг, Сизнинг ташаббусингиз бемор инсонларнинг саломатлигини тиклашда, ҳаётини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.**

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**


ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1200

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 6015
Босишга топширилиш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.